

ЎЗБЕКИСТОНРЕСПУБЛИКАСИ

ОЛИЙ ВАЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ
ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ
КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ

**“ПЕДИАТРИЯ”
йўналиши**

**“ПЕДИАТРИЯ ФАНИНИ ЎҚИТИШДАГИ
ИЛҒОР ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАЛАР”**

модули бўйича

**Ў Қ У В – У С Л У Б И Й
М А Ж М У А**

Тошкент 2016

Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил 6 апрелидаги 137-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.

Тузувчи: ТТА, УАШ-хирургия кафедрасидоценти,
т.ф.н. Садиков Р.Р.

Тақризчи: Duck-Jong Han, M.D. Ph. D.Chairman
of Board MedikalLeaders Corporation

Ўқув-услубий мажмуа Тошкент тиббиёт академияси Кенгашининг 2016 йил 29 августдаги 1-сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.

МУНДАРИЖА

I ИШЧИ ДАСТУР.....	2
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.	12
III НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР.....	22
IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ.....	45
V. КЕЙСЛАР БАНКИ	54
VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ	64
VII. ГЛОССАРИЙ	66
VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	68

I ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сон Фармонидаги устувор йўналишлар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қилади.

Дастур мазмуни олий таълимнинг педиатрия фани бўйича норматив-ҳуқуқий асослари, илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, махсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик таракқиёт ва ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг касбий компетентлиги, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимлари ўзлаштириш бўйича янги билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутди.

«Педиатрия фани бўйича илғор хорижий тажрибалар» курсининг мақсади тингловчиларни ҳозирда мавжуд бўлган замонавий таълим инновациялари билан таништириш ва ана шу инновациялар ва технологиялардан маҳорат билан фойдаланиш малакасини шакллантиришдир.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

“Педиатрия фанларни бўйича илғор хорижий тажрибалар” модулининг мақсади - тингловчиларни замонавий таълим ва инновацион технологиялар бўйича илғор хорижий тажрибалар ҳақида билимлар,

малакалар ва кўникма системасини шакллантириш ва замонавий ўқитиш технологиясини ўқув жараёнида қўллашни ўргатиш.

Модулининг вазифалари:

- педиатрия фанларини ўқитишда педагогик фаолият, олий таълимда ўқитиш жараёнинини технологиялаштириш билан боғлиқликда юзага келаётган муаммоларни аниқлаштириш;

- тингловчиларнинг педиатрия фанлари муаммоларини таҳлил этиш кўникма ва малакаларини шакллантириш;

- педиатрия фанлари муаммоларини ҳал этиш стратегияларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этишга ўргатиш.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

“Педиатрия фани бўйича илғор хорижий тажрибалар” модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

Тингловчи:

- модуль, ўқитиш модулли, кредит, рейтинг тушунчаси;

-технологиялаштириш қоидалари, тамойиллар;

-назорат жараёнини ташкил этиш;

-интерфаол технологиялар ва улардан самарали фойдаланиш ҳақидабилимларга эга бўлиши;

-педагогик фаолият жараёнини модуллаштириш;

-назорат жараёнини тез ва самарали ўткази олиш;

-назоратнинг турли шаклларида самарали фойдаланиш;

-интерфаол методларни мақсадли равишда тўғри танлаш ва фойдаланиш; кўникмаларини эгаллаши;

-ўқув курсини модулини тузиш;

- ахборотни структуралаштириш;
- талабаларнинг мустақил амалий фаолиятни ташкил этиш;
- кириш ва чиқиш назоратини ташкил этиш эришилган натижаларини таҳлил этиш;
- интерфаол методлардан фойдаланиш; **малакаларини эгаллаши;**
- ўз соҳасига оид ахборотни мантиқий блокларга ажратиш ва аниқ, лўнда, тушунарли равишда баён этиш;
- модулли ёндашув асосида ўқув жараёнини ташкил этиш;
- технологик ёндашув асосида таълим ва тарбия жараёнини бошқариш;
- коммуникативликни ва мустақил фаолиятни ташкил этиш юзасидан компетенцияларни эгаллаши лозим.

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Педиатрия фанида замонавий таълим ва инновацион технологиялар бўйича илғор хорижий тажрибалар” тингловчиларни хорижий тажрибалар билан таништириш, уларни амалда қўллаш бўйича билим, кўникма ва малакаларини таркиб топтиришини назарда тутати; Ушбу мақсад фаннинг олдида қуйидаги вазифаларни ҳал этишни кўяди: - тингловчиларни хорижий таълим тажрибалари ва инновацион технологиялар бўйича мавжуд билимлар тизими билан қуроллантириш; - хорижий, МДХ ва Республикамизда таълим тизими бўйича тингловчиларга маълумот бериш; - ўқув жараёнини ташкил этиш ва унинг сифатини таъминлаш борасидаги илғор хорижий мамлакатлар таълим тажрибалар замонавий ёндашувларга оид билимлар бериш; - тингловчиларда илғор таълим технологиялари

бўйича билимларни шакллантириш; - замонавий таълимда тьюторлик, супервизорлик ва модераторлик фаолияти ҳақида тингловчиларда янги билимларни шакллантириш; - Blended learning (аралаш ўқитиш, case studi, масофавий ўқитиш, маҳорат дарслари, вебинар, эвристик методлар билан таништириш.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги.

Педиатрия фанида замонавий таълим ва инновацион технологиялар мазмуни ўқув режадаги учинчи блок ва мутахассислик фанларининг барча соҳалари билан узвий

Боғланган ҳолда педагогларнинг умумий тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қилади.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар педиатрия фанини ўқитишдаги илғор хорижий тажрибалар ўрганиш, амалда қўллаш ва баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

Модул бўйича соатлар тақсимоти:

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юклараси, соат				
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юклараси			таълим
			жами	жумладан		
				назарий	амалий машғулот	
1	Таълим ва тарбия жараёнларини ташкил этишда хорижий тажрибалар.	8	6	2	4	2
2	Ўқув жараёнининг норматив-ҳуқуқий асослари	6	6	2	4	
	Жами:	14	12	4	8	2

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1 – мавзу: Таълим ва тарбия жараёнларини ташкил этишда хорижий тажрибалар.

Ўқув жараёнини ташкил этиш ва унинг сифатини таъминлаш борасидаги илғор хорижий мамлакатлар таълим тажрибалари ва замонавий ёндашувлар. Илғор таълим технологиялари.

2 – мавзу: Ўқув жараёнининг норматив-ҳуқуқий асослари

Ўқув жараёнини ташкил қилиш норматив-ҳуқуқий асослари борасидаги илғор хорижий мамлакатларнинг таълим тажрибалари. Илғор таълим технологиялари.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАЗМУНИ

1- амалий машғулот: Амалий машғулотларда тингловчилар талабалар билимини баҳолашнинг замонавий усуллари

Амалий машғулотларда тингловчилар талабалар билимини баҳолашнинг замонавий усуллари билан танишадилар ва улар асосида амалий ишларни бажарадилар. Амалий машғулотлар замонавий таълим услублари ва инновацион технологияларга асосланган ҳолда кичик гуруҳларга бўлиб ўтказилади. Бундан ташқари, мустақил ҳолда ўқув ва илмий адабиётлардан, электрон ресурслардан, тарқатма материаллардан фойдаланиш тавсия этилади.

2- амалий машғулот: Педиатрия фанининг ўқув жараёнида янги интерактив усуллари.

3-

Амалий машғулотларда тингловчилар талабалар ўқув жараёнини ташкил этиш ва унинг сифатини таъминлаш борасидаги илғор хорижий тажрибалар билан танишадилар ва улар асосида амалий ишларни бажарадилар. Амалий машғулотлар замонавий таълим услублари ва инновацион технологияларга асосланган ҳолда кичик гуруҳларга бўлиб ўтказилади. Бундан ташқари, мустақил ҳолда ўқув ва илмий адабиётлардан, электрон ресурслардан, тарқатма материаллардан фойдаланиш тавсия этилади.

Ўқитиш шакллари

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- давра суҳбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

№	Баҳолаш турлари	Максимал балл	Баллар
1	Кейс топшириқлари	2.5	1,2
	Мустақил иш топшириқлари		0,5
	Амалий топшириқлар		0,8

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.

SWOT-таҳлил” методи.

Методнинг мақсади: мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўллари топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қилади.

S – (strength)	• кучли томонлари
W – (weakness)	• заиф, кучсиз томонлари
O – (opportunity)	• имкониятлари
T – (threat)	• тўсиқлар

Намуна: Педиатрия фанини ўқитишда илғор хорижий тажрибалар учун SWOT таҳлилини ушбу жадвалга туширинг.

S	Педиатрия иши ўқитишда илғор хорижий тажрибаларни кучли томонлари	фойдаланувчилар сонининг кўплиги...
W	Педиатрия иши ўқитишда илғор хорижий тажрибаларни кучсиз томонлари	Робототехника орқали ишлаши...
O	Педиатрия иши ўқитишда илғор хорижий тажрибалари тизимидан	Хирургия ва бошқа даволаш усуллари билан фойдаланиш

	фойдаланишнинг имкониятлари (ички)	
Т	Тўсиқлар (ташқи)	Маълумотлар хавфсизлигининг тўлақонли таъминланмаганлиги...

Хулосалаш» (Резюме, Веер) методи

Методнинг мақсади: Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айна пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва зарарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўқувчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гуруҳлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

Методни амалга ошириш тартиби:



тренер-ўқитувчи иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гуруҳларга ажратади;



тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гуруҳга умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисмлари туширилган тарқатма материалларни



ҳар бир гуруҳ ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб, ўз мулоҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён қилади;



навбатдаги боскичда барча гуруҳлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, тренер томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарурий ахборотлар билан тўлдирилади ва мавзу

Намуна:

Педиатрия фанини ўқитишда илғор хорижий тажрибалари тизимлар					
Жаррохлик		Терапия		Робототехника	
афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги
Хулоса:					

“Кейс-стади” методи

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетиде амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибиде қўлланилган. Кейсде очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичиге куйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қерде (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натиха (What).

“Кейс методи” ни амалге ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш; ✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда); ✓ ахборотни умумлаштириш; ✓ ахборот таҳлили; ✓ муаммоларни аниқлаш
2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш; ✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш
3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш; ✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш;

йўллари ишлаб чиқиш	✓ муқобил ечимларни танлаш
4-босқич: Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	✓ якка ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; ✓ ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш; ✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш

Намуна: **Кейс.** Хорижий тажрибалар бўйича услубларни кўрсатинг. Ишда ишлатилиши ва афзаллиги. Янги технологияларнинг даволаш ишидаги вазифалари.

Кейсни бажариш босқичлари ва топшириқлар:

- Кейсдаги муаммони келтириб чиқарган асосий сабабларни белгиланг (индивидуал ва кичик гуруҳда).

«ФСМУ» методи

Технологиянинг мақсади: Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзунини сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;

- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:



Намуна.

Фикр:“Хорижий тажриба объектга йўналтирилган дастурлашнинг асосий тамойилларидан биридир”.

Топшириқ: Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.

“Тушунчалар таҳлили” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод талабалар ёки катнашчиларни мавзу буйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу буйича дастлабки билимлар даражасини ташхис қилиш мақсадида қўлланилади.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- ўқувчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал ёки гуруҳли тартибда);

- ўқувчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тўғри ва тўлиқ изоҳини ўқиб эшиттиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган тўғри жавоблар билан ўзининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

Визуал материаллар намуна



“Синквейн” (5 қатор) техникаси

Мақсад – категорияга характеристика бериш

Синквейн схемаси:

1–қатор – тушунча;

2-қатор – тушунчани тавсифловчи 2 сифат;

3-қатор – ушбу тушунча вазифалари тўғрисидаги 3 та феъл;

4-қатор – ушбу тушунча моҳияти тўғрисидаги 4 сўздан иборат сўз бирикмаси;

5-қатор – ушбу тушунча синоними.

Намуна: Компьютер сузи тузилган “Синквейн”

Компьютер

Сифатли, тезкор

Тўплайди, саклайди, узатади

Замонавий ахборот технология воситаси

Интеллект

“Инсерт” методи

Методнинг мақсади: Мазкур метод ўқувчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билмларни ўзлаштирилишини енгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод ўқувчилар учун хотира машқи вазифасини ҳам ўтайди.'

Методни амалга ошириш тартиби:

➤ ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмуни ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;

➤ янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим олувчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намойиш этилади;

➤ таълим олувчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини махсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан ишлашда талабалар ёки қатнашчиларга қуйидаги махсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

Белгилар	1-матн	2-матн	3-матн
“√” – таниш маълумот.			
“?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак.			
“+” бу маълумот мен учун янгилик.			
“– ” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?			

Белгиланган вақт якунлангач, таълим олувчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот якунланади.

“Тушунчалар таҳлили” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод тингловчилар ёки катнашчиларни мавзу бўйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу бўйича дастлабки билимлар даражасини ташхис қилиш мақсадида қўлланилади.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- ўқувчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал ёки гуруҳли тартибда);
- ўқувчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тўғри ва тўлиқ изоҳини ўқиб эшиттиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган тўғри жавоблар билан узининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

III НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

1- мавзу: Таълим ва тарбия жараёнларини ташкил этишда хорижий тажрибалар.

Режа:

1. Хорижий давлатлар таълим тизими ҳақида маълумотлар
2. Ўқув жараёнини ташкил этиш ва унинг сифатини таъминлаш борасидаги илғор хорижий мамлакатлар таълим тажрибалари ва замонавий ёндашувлар.

Таянч иборалар: таълим, педагогик технология, педагог, илғор тажрибалар, таълим методи, таълим оловчи, модератор, тьютор, эдвайзер, фасилитатор.

1.1 Хорижий давлатлар таълим тизими ҳақида маълумотлар.

Японияда таълим тизими

Шарқнинг энг илғор мамлакатларидан бири Японияда педиатрия ўқитишда энг самарали ва таъсирчан усулидан фойдаланилади. Бундай тарбиянинг асосий маскани сифатида институт танланган. Чунки институтда бола билим олишдан ташқари шахс сифатида ҳам шаклланади. Кунчиқар мамлакатда фуқаро тарбияси «ахлоқий тарбия» тизими доирасида амалга оширилади. Масалан юрак нуксонлари интерактив услублар билан берилади. Бу усул АҚШ да пайдо бўлиб саноат корхоналарида конвейерли ишлаб чиқариш кўпайган сари шундай ўргатиш усуллари зарур бўлиб қолдики, ишчилар бир ҳилда қайтариладиган кўлкўникмаларини иложиборича тез ва мукамал равишда аўргани болишларикеракэди. Бу усулда амалий кўникмаларни ¹

1. Phung TL, Oble DA, Jia W, Benjamin LE, Mihm MC Jr, Nelson JS. Can the wound healing response of human skin be modulated after laser treatment and the effects of exposure extended? Implications on the combined use of the pulsed dye laser and a topical angiogenesis inhibitor for treatment of port wine stain birthmarks. *Lasers Surg Med.* Jan 2015;40(1):1-5. [Medline].

ўзлаштириш жараёни 4 поғона доирасида кечади. Бу поғоналарнинг номи: «Тушунтириш», «Нима қилиш кераклигини кўрсатиб бериш», «Кўрсатилган тарзда қайтариш», «Машқ қилиш». Яъни амалиёт ўқитувчиси талабаларга аввал кичикроқ бир иш босқичини тушунтириб беради, кейин нима қилиш кераклигини қилиб кўрсатади. Сўнг талаба шу иш босқичини кўрсатилган тарзда қайтариши (имитация қилиши) керак. Талаба қайтариб қилаётган пайтида амалиёт ўқитувчиси хатоларини тўғрилаб туради (мақтайди ёки танқид қилади).

Ундай кейин эса шу иш босқичи машқ тарзида тингловчи уни мукамал ўзлаштиргунича кўп маротаба қайтарилади. Бу усул психологияда асосланган бўлиб, бихевиоризм (яъни инсон ўзини тутишига оид) назариялардан олинган. Дастлаб ҳайвонлар устида ўтказилган экспериментлар йўлида олинган натижалар кейинчалик инсонга нисбатан қўлланила бошланган. Бу ерда кўзғовчи ва реакция каби элементлар ҳамда конкрет ўлчаниши мумкин бўлган кўрсаткичлар муҳим роль ўйнаган. Чунки олимлар фикри бўйича режа асосида ишлатилган ташқи кўзғовчилар ва назорат қилиниши мумкин бўлган реакцияларгина етарли даражада текширилиши мумкин ва шундан келиб чиқиб, умумий илмий хулосалар чиқариш мумкин деб ҳисобланган. Қуйидаги илмий хулосаларни таъкидлаб ўтиш зарур:

1. Ўзлаштириш (ўрганиш) - бу «кўзғаш таъсири-реакция» кетма- кетлиги такрорланишининг натижасидир. Шу такрорлар сони қанча кўп бўлса ўзлаштириш натижаси шунча яхши бўлади. («Такрор орқали ўрганиш» принципи).

2. Иккинчи кўзғовчи биринчи кўзғовчи билан биргаликда тез-тез ишлатилиб турса, у биринчи кўзғовчининг ўрнини боса олади. («Шартли рефлекслар орқали ўрганиш» принципи). 4 поғона усули Тушунтириш Нима қилиш кераклигини кўрсатиб бериш кўрсатилган тарзда қайтариш машқ 293. Ўзлаштиришда эришилган яхши натижалар мактаб турилса, бундай

натижалар кўпайиб бораверади. («Кучайтириш орқали ўрганиш» принципи).

4.

Аниқбирмақсадгақаратилгантарздаишлатилганмақтовважазоларорқалидеярл
иисталганчатегишлиўзинитутиштарзлариўзлаштирилишииваянайўққилиниши
мумкин.

Амалиётда ўрганиш учун эса бундан кўйидаги хулосалар чиқарилди:
Кўзғовчи сифатида берилган ҳар бир қисқа саволга иложи борича тўғри
жавоб берилиши билан уни дарров (масалан «Яхши жавоб!» деб) мақтаб
кўйиш керак. Нотўғри жавоб ҳам очик ва ойдин танқидланиши
(танбехланиши) лозим. Ёки амалиётда: талабалар бир иложи борича қисқа
иш босқичи билан таништирилади, сўнг уни қайтарадилар ва то уни
мукамал билмагунларича машқ қиладилар. Бу ҳам очик ва ойдин тан
олиниши керак. Бу ерда кичик ўқув босқичлар катта аҳамиятга эга.

Бугунги кунда бу усулга баъзи дидактик элементлар кўшилиб,
мукаммалаштирилди. Бундан ташқари босқичларни бироз мураккаброқ
қилишга ҳаракат қилинмоқда. Яъни шундай машқлар ҳам киритилиши
мумкинки улар доирасида талаба бирданига бир неча кўникмалар ва
операцияларни амалда бажариши керак. «Тушунтириш» ва «нима қилишни
кўрсатиб бериш» поғоналари эса босқичма-босқич амалга оширилади.
Кўникмаларни ўргатишда эса бу усул ўзини жуда ҳам яхши оқлади. Шунинг
учун бу усул касбий-техникавий соҳаларда энг аввало иш ўрнида керакли
кўникмаларни ўргатишда келажакда ҳам муҳим роль ўйнайди.¹

ЙўналтирувчиматнусулиЙўналтирувчиматнусулиўтганасрнинг 70 йилларида «Daimler Benz» корхонасинингГаггенаушаҳридаги (Daimler Benz AG (Gaggenau)) ўқувустахонаситомониданишлабчиқарган. Буусултовушватасвирлипрезентацияларбиланжиҳозланганмуस्ताқилўрганишда астуриларшаклидагилойихавийкасб-хунартаълимигақўшимчасифатидаишлабчиқарилган.

Бошланғичшаклидабуусулкасб-хунартаълимиамалиётчиларитомониданишлабчиқарганкейинчаликэсаназари йжиҳатданасосланибилмийасосдатакомиллаштирилиболийтаълимдақўлланила¹бошланган. Йўналтирувчиматнусулидақуйидаги 6 босқичфарқланади; улардоирасимонҳаракатдаалмашишади:

1. Маълумотийғиш 2. Режалаштириш 3. Қарор қабул қилиш 4. Амалга ошириш 5. Текшириш 6. Хулоса чиқариш Бу босқичлар ҳаммаси талаба томонидан амалга оширилади. Бу усулни ишлаб чиқарилишига сабаб лойиҳалар устида иш билан боғлиқ ташкилий муаммолар эди, чунки ўқувчилар ҳар хил тезликда ишлашлари туфайли бутун гуруҳ учун инструктаж ўтказишга қулай вақтни топиш қийин эди. Бир ўқувчи ҳаммадан тез ишлаб янги кўникмани ўрганишга тайёр бўлган бўлса, секинроқ ишлаган талабалар учун эса янги инструктажнинг фойдаси жуда кам эди. Қайтага янги инструктаж уларнинг ишларига халал бергандай ёки кераги йўқ тўхталиш каби туюлар эди. Яъни талабалар қизиқиши (мотивацияси) қисман барбод қилинади. Йўналтирувчи матн усули босқичлари амалиёт ўқитувчисинингўқитиш тарзи: ўқув материал ва йўналтирувчи саволларни бериш, инструктаж эса – фақат керак бўлганда 1.Муस्ताқил равишда маълумот йиғиш Режа тузиш учун қўлланмалар, формулярларни тайёрлаб бериш 2.

1. Phung TL, Oble DA, Jia W, Benjamin LE, Mihm MC Jr, Nelson JS. Can the wound healing response of human skin be modulated after laser treatment and the effects of exposure extended? Implications on the combined use of the pulsed dye laser and a topical angiogenesis inhibitor for treatment of port wine stain birthmarks. *Lasers Surg Med.* Jan 2015;40(1):1-5. [Medline].

Мустақил равишда режа тузиш Таклифларни муҳокама қилиш

3. Мустақил равишда қарор қабул қилиш Материални бериш,

муамоларни муҳокама қилиш

4.

Мустақил равишда амалга ошириш Назорат варағини биргаликда ишлаб чиқариш

5.

Мустақил равишда текшириш Хулоса чиқариш

6. Мустақил равишда хулоса чиқариш

36

Йўналтирувчи матнлар ёрдами билан мустақил инструкторнинг жамияти пайдо бўлди ва ҳар бир ўқувчи айнан унга янги кўникма учун билимлар керак бўлган пайтда шундай билимларни олиши мумкин бўлди.

Энг биринчи йўналтирувчи матнлар

-

бу асли оғзаки равишда ўтказилган инструкторнинг ёзма шакли эди. Лекин барибир барча махсус маълумотлар талабаларга иложи борича оғзаки берилар эди. Бугунги кунда эса йўналтирувчи матнлар шундай тузилганки талабалар йўналтирувчи саволлар ёрдамида ўзлари керакли маълумотларни (китоб жадвал инструкция видеокассеталар ёки компьютер дискларидан олиб) ишлаб чиқаришни ўрганишади.

Натижада ҳозир янги бир ўргатиш усули ва янги бир ўрганишни ташкиллаштириш тарзи вужудга келди. Унинг асосий белгиси - бу ўқувчи кўпроқ мустақил равишда ўрганишидир; амалиёт ўқитувчиси эса заифроқ талабалар билан кўпроқ шуғулланиши мумкин бўлиб қолди. Талабаларнинг мустақил ишлаши эса ўз навбатида қўшимча фойда келтирмоқда: юқорироқ кўникма ва қобилиятлар соҳасида яъни биргаликда мулоқотда бўлиш, биргаликда режа тузиш, қарор қабул қилиш ҳамда ўз ишини текшириш каби қобилиятлар ривожланади. Командада (биргаликда) ишлаш орқали муайян ижтимоий компетенциялар ривож топади ва уларга мўлжалланган мақсадлар ҳам белгиланиши мумкин бўлди. Кўриб турибмизки, вақт ўтган сари йўналтирувчи матн усули қўлланишининг маъноси ўзгарди чунки бугунги кунга келиб бу усул айнан ўша «пойдевор квалификациялар» деб аталган қобилиятларни ривожлантириш мақсадида қўлланади.

Бу тушунчани Германияда таълимот мунозарасига меҳнат бозори тадқиқотчиси Д. Мертенс киритган. У бу тушунча билан асосан услубий компетенцияларни (яъни фикрлаш, ташкиллаштириш ва режалаштириш усулларини) атаган. Ҳозирги кунда эса бу тушунча билан шундай қобилиятлар кўникма ва ўзини тутиш тарзлари аталадики, улар айнан шу касб-ҳунарга оид квалификациялардан ташқари ва уларга қўшимча сифатида барча бошқа касб-ҳунарларда керак бўладиган ҳатти-ҳаракатларни билдиради. Булар орасида - мустақил режалаштириш амалга ошириш ва ўз ишини текшириш. 4 поғона усули билан солиштирадиган бўлсак бу усулда амалиёт ўқитувчисининг фаолияти кўпроқ дарсдан олдин ва дарсдан кейин қилинадиган ишлардан иборат. Лекин бевосита инструктаж жараёнида қилинадиган ишлар эмас; ўқувчилар эса қайтага барча даврларда (фазаларда) мустақил ишлашади.

1.2. Ўқув жараёнини ташкил этиш ва унинг сифатини таъминлаш борасидаги илғор хорижий мамлакатлар таълим тажрибалар замонавий ёндашувлар.

Модулли ўқитиш - ўқитишнинг истиқболли тизимларидан бири ҳисобланади, чунки у таълим олувчиларнинг билим имкониятларини ва ижодий қобилиятларини ривожлантириш тизимига энг яхши мослашгандир. Анъанавий таълимда ўқув мақсадлари педагог фаолияти орқали ифодаланган яъни билим беришга йўналтирилган бўлса, модулли ўқитишда таълим олувчилар фаолияти орқали ифодаланиб, касбий фаолиятга йўналтирилган бўлади. Модулли ўқитиш технологиясининг анъанавий ўқитишдан фарқли хусусиятларини қуйидаги жадвалда келтирдик:

- бир томонга йўналтирилган ахборот Бир томонлама мулоқот (дарслик ўқитувчи ўқувчи);
- ахборот олиш;
- хотирада сақлаш маъносини тушунмаган ҳолда механик тарзда ёдлаш;

- фикрлаш ва амалий фаолият орқали таҳсил олишда фаол иштирок этишни рағбатлантириш;
- икки томонлама мулоқот;
- таҳлил қилиш орқали маълумотни эслаб қолиш;
- билим ва кўникмаларни намойиш этиш;
- мазмунни тушуниш ва ҳаётга боғлаш.

Ушбу жадвалнинг таҳлили шуни кўрсатадики, модулли технологияга асосланган таълим анъанавий таълимдан ўқитиш усуллари ва воситалари уни ташкил этиш ва натижалари билан сезиларли фарқ қилади. Модулли ўқитиш таълимнинг қуйидаги замонавий масалаларини ҳар томонлама ечиш имкониятини яратади. Модул – фаолиятлик асосида ўқитиш мазмунини оптималлаш ва тизимлаш дастурларни ўзгарувчанлиги, мослашувчанлигини таъминлайди; ўқитишни индивидуаллаштириш; - амалий фаолиятга ўргатиш ва кузатиладиган характерларни баҳолаш даражасида ўқитиш самарадорлигини назорат қилиш; - касбга қизиқтириш асосида фаоллаштириш мустақиллик ва ўқитиш имкониятларини тўла рўёбга чиқариш. Модулли ўқитиш самарадорлиги қуйидаги омилларга боғлиқ: ¹ - таълим муассасасининг моддий-техник базаси; - малакали профессор-ўқитувчилар таркиби даражаси; - талабалар тайёргарлиги даражасига; - кутиладиган натижалар баҳосига; - дидактик материалларнинг ишлаб чиқилишига; - модуллар натижаси ва таҳлиliga.

Модулли ўқитишда ўқув дастурларини тўла қисқартирилган вачуқурлаштирилган табақалаш орқали босқичма-босқич ўқитиш имконияти яратилади. Яъни ўқитишни индивидуаллаштириш мумкин бўлади. Модулли ўқитишга ўтишда қуйидаги мақсадлар кўзланади: - ўқитишнинг узлуксизлигини таъминлаш; - ўқитишни индивидуаллаштириш; - ўқув материални мустақил ўзлаштириш учун етарли шароит яратиш; - ўқитишни жадаллаштириш; - фанни самарали ўзлаштиришга эришиш.

1. Phung TL, Oble DA, Jia W, Benjamin LE, Mihm MC Jr, Nelson JS. Can the wound healing response of human skin be modulated after laser treatment and the effects of exposure extended? Implications on the combined use of the pulsed dye laser

Модулли ўқитиш фаннинг асосий масалалари бўйича умумлаштирилган маълумотлар берувчи муаммоли ва йўриқли маърузалар ўқилишини тақозо этади. Маърузалар талабаларнинг ижодий қобилиятини ривожлантиришга қаратилмоғи лозим. Модул амалий ва лаборатория машғулотлари маърузалар билан бирга тузилиши, улар маърузалар мазмунини ўрганиладиган янги материал билан тўлдирилиши керак.

Модулни ўқитишнинг самарадорлигини оширишга эришиш учун ўқитишнинг қуйидаги усулларини қўллаш мумкин: - муаммоли мулоқотлар; - эвристик суҳбатлар; - ўқув ўйинлар; - лойиҳалаш ва йўналтирувчи матнлар ва ҳоказо.

Ўқитишнинг модул тизими мазмунидан унинг қуйидаги афзалликлари аниқланди: -фанлар ва фанлар ичидаги модулар орасидаги ўқитиш узлуксизлигини таъминланиши; ҳар бир модул ичида ва улар орасида ўқув жараёнини барча турларининг методик жиҳатдан асосланган мувоффиқлигини ўрнатилиши; -фаннинг модулли тузилиш таркибининг мосланувчанлиги; -талабалар ўзлаштириши мунтазам ва самарали назорат (ҳар қайси модулдан сўнг) қилиниши; -талабаларнинг зудлик билан қобилиятига кўра табақаланиши (дастлабки модулардан сўнг ўқитувчи айрим талабаларга фанни индивидуллаштиришни тавсия этиши мумкин); - ахборотни «сиқиб» бериш натижасида ўқитишни¹ жадаллаштириш аудитория соатларидан самарали фойдаланиш ва ўқув вақти таркибини маърузавий амалий (тажрибавий) машғулотлар индивидуал ва мустақил ишлар учун ажратилган соатларни – оптималлаштириш.

Бунинг натижасида талаба етарли билимларга кўникмага эга бўлади. Модулли методика асосида ўқитишда фаолиятлик, тизимли қантлаш, қизиқтириш,

1. Phung TL, Oble DA, Jia W, Benjamin LE, Mihm MC Jr, Nelson JS. Can the wound healing response of human skin be modulated after laser treatment and the effects of exposure extended? Implications on the combined use of the pulsed dye laser and a topical angiogenesis inhibitor for treatment of port wine stain birthmarks. Lasers Surg Med. Jan 2015;40(1):1-5. [Medline].

модуллилик, муаммолилик, когнитиввизуаллилик, хатоликларгатаяништамойилларига мувоффиқишлаб чиқишилозим. Ўтказилган тадқиқотларга кўра модулли методика асосида ўқитишнинг куйидаги тамайиллари очиб берилди.

Назорат саволлари:

1. “Педиатрия фани бўйича илғор хорижий тажрибалар” тушунчаси қандай маънони англатади?
2. “Педиатрия фани бўйича илғор хорижий тажрибалар”нинг мақсади нимадан иборат ва у қандай вазифаларни ҳал қилади?
3. “Педиатрия фани бўйича илғор хорижий тажрибалар”нинг объекти ва предмети нима ташкил этади?
4. “Педиатрия фани бўйича илғор хорижий тажрибалар”нинг асосий категориялари қайсилар?
5. “Педиатрия фани бўйича илғор хорижий тажрибалар” қандай фанлар билан ўзаро алоқадорликда ривожланади?
6. Хорижий тажрибалар шахсни шакллантириш ва ривожлантиришда қандай илмий-тадқиқот методлари қўлланилади?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Phung TL, Oble DA, Jia W, Benjamin LE, Mihm MC Jr, Nelson JS. Can the wound healing response of human skin be modulated after laser treatment and the effects of exposure extended? Implications on the combined use of

- the pulsed dye laser and a topical angiogenesis inhibitor for treatment of port wine stain birthmarks. *Lasers Surg Med.* Jan 2015;40(1):1-5. [Medline].
2. Sánchez Carpintero I, Mihm MC, Waner M. Laser and intense pulsed light in the treatment of infantile haemangiomas and vascular malformations. *An Sist Sanit Navar.* 2015;27 Suppl 1:103-15.
 3. Pence B, Aybey B, Ergenekon G. Outcomes of 532 nm frequency-doubled Nd:YAG laser use in the treatment of port-wine stains. *Dermatol Surg.* May 2015;31(5):509-17. [Medline].
 4. Li DN, Gold MH, Sun ZS, Tang AR, Wang HB, Sheng-Kang L. Treatment of infantile hemangioma with optimal pulse technology. *J Cosmet Laser Ther.* 2010 Jun;12(3):145-50.
 5. Saafan AM, Salah MM. Using pulsed dual-wavelength 595 and 1064 nm is more effective in the management of hemangiomas. *J Drugs Dermatol.* 2010 Apr;9(4):310-4.

2-мавзу: Ўқув жараёнининг норматив-ҳуқуқий асослари.

Режа:

1. Илғор хорижий тажрибалар назарияси ва амалиёти қўлланишинингасосий қонунлари ва принциплари.
2. Педиатрияда замонавий инновацион таълим технологиялари.

Таянч иборалар: Таълим методлари, таълим тамойиллари, ўқув жараёнини ташкил этишнинг технологияси, талабанинг меҳнат сарфи, , syllabus, ўтиш коэффициенти, талабалар билимини баҳолаш услубиёти, баҳолаш мезонлари.

1.1 Илғор хорижий тажрибалар назарияси ва амалиётининг кулланишининг асосий конунлари ва принциплари

Муаммони ифодаланиши: 1. Муаммо қандайдир ҳаракатлар қилиш учун етилган зарурат билан уни амалга ошириш учун шарт-шароитлар етишмаслиги ўртасидаги зиддиятни белгилайди. 2. Муаммони асосий таркибий қисмлари (муаммо, ости муаммолар)ни ажратади. Кейснинг дастурий картаси кейс учун ахборот йиғиш ва вазиятни баён қилиш учун асос бўладиган асосий масалалар(тезислар)нинг тузилмаланган рўйхатидан иборат бўлади.

Педагогик аннотация қуйидаги элементларни ўз ичига олади:

1. кейсда мўлжалланган предмет бўлим мавзу таълим даражаси курс кўрсатилади;

2. кейсдан кўзланган мақсад (таълимий мақсад режалаштириладиган ўқув натижалари;

3. талабалар кейсни муваффақиятли ҳал этиш учун эгаллаши лозим бўлган дастлабки билим ва малакалар;

4. кейс реал институционал тизим фаолиятини акс эттириши ёки унда кейсолог сунъий моделлаштирган вазият баён қилиниши ҳақидаги маълумот¹.

5. ахборот олиш манбалари рўйхат;

1. Phung TL, Oble DA, Jia W, Benjamin LE, Mihm MC Jr, Nelson JS. Can the wound healing response of human skin be modulated after laser treatment and the effects of exposure extended? Implications on the combined use of the pulsed dye laser and a topical angiogenesis inhibitor for treatment of port wine stain birthmarks. *Lasers Surg Med.* Jan 2015;40(1):1-5. [Medline].

6. кейснинг ўзига хос белгиларига кўра тавсифномаси (сюжет, кейс объекти мавжудлиги материални тақдим этиш усули, ҳажми, тузилмавий ўзига хос хусусиятлари ўқув топшириғини тақдим этиш усули чизмалаштириш усули);

7. кейсдан кўзланган мақсад ва тегишлича ташкилий-услубий таъминоти ўзгарганида у қўлланилишимумкин бўлган ўқув предметлари рўйхати.

Кейс-ишлаб чиқаришда содир бўладиган аниқ муаммоли вазиятнинг тафсилотидир. Кейс усули ишлаб чиқариш масалаларини машғулотларда таҳлил қилиш ва ҳал қилиш усули унда иштирокчиларга ҳақиқий ҳаётий вазият бўйича фикр юритиш таклиф қилиниб бу вазият баёнида нафақат амалий масала ифодаланиб қолмасдан ундаги муаммони ечиш жараёнида ўзлаштирилиши зарур бўлган ўқув материали ҳам ифодаланади. Муаммоларни олдини олиш йўллари ишлаб чиқиш “Кейс стади”га асосланаган ўқитиш технологиясининг асосий мақсади ҳисобланади. Ушбу технология амалий вазиятларни ҳал этиш жараёнида ўрганилган ўқув мавзуси бўйича билимларни мустаҳкамлашга муаммоларни таҳлил қилиш ва унинг ечимини яқка тҳартибда ёки гуруҳларда еча олиш 52 кўникмаларини эгаллашга ижодий ваўрганиш қобилиятлари мантиқий фикрлаш нутқ ва муҳит шароитларига мослашиш қобилиятларини ривожлантиришга ҳамда қарорларни мустақил қабул қилишга ва ўз-ўзини назорат қилишга ёрдам беради. Ўқув машғулотларида кейсларни ҳал қилиш алгоритми қуйидагича:

- 1.Топшириқни бериш (топшириқни бажариш муддатини белгилаш кейснинг ечимини баҳолаш тизими билан таништириш дарснинг технологик моделини аниқлаш).¹

2. Таълим берувчининг кириш сўзи. Асосий саволларнинг қўйилиши.

3. Таълим олувчиларни 4-6 кишидан иборат микрогуруҳларга ажратиш.

4. Таълим олувчиларнинг микрогуруҳлардаги фаолиятини ташкил қилиш (микрогуруҳларни номлаш етакчиларни ва эксперт гуруҳини аниқлаш).

5. Микрогурухлардаги жавоблар билан танишишини ташкил қилиш.
6. Микрогурухлараро мунозарани ташкил қилиш.

7. Таълим берувчининг умумлаштирувчи сўзи унинг вазият ечими тўғрисидаги фикри.

8. Таълим олувчиларни экспертлар томонидан баҳоланиши.

9. Таълим олувчиларнинг машғулот ҳақидаги фикрлари.

10. Таълим берувчининг яқунловчи сўзи.

Машғулот бўйича хулосалар чиқариш. Кейсларни ҳал қилишда таълим берувчи таълим олувчиларни йўналтириб туриши ва улардаги фаолликни кўллаши ҳал қилинаётган муаммога нисбатан қизиқиш уйғотиб туриши даркор. Кейслардан таълим жараёнида фойдаланиш таълим олувчилар шахсида қуйидаги профессионал-педагогик зарурий сифатларни шакллантиради: -мустақил ижодий фикрлаш қобилиятини ривожлантиради; - мустақил ижодий фикрлаш қобилиятини ривожлантиради; -назария ва амалиёт ўртасида узвий боғлиқликни шакллантиради; -муаммоли вазиятни янгича шакллантиришга ёрдам беради; -вазиятларни ҳал этишда унга таъсир этувчи омилларнинг мавжудлиги ва уларнинг таъсирини эътиборга олишга имкон беради; -бошқалар фикрини ҳам қабул қила олиш малакасини шакллантиради; -савол бериш маданиятини таркиб топтиради; -қабул қилинган қарор учун масъуллиқ ҳиссини тарбиялайди/ 53 Кейсларни ҳал қилишда қуйидагиларга эътибор бериш зарур: асосий муаммони ва унга таъсир этувчи омилларни аниқлаш асосий ва иккинчи даражали омилларни ажратиш муаммони ҳал қилишнинг муқобил ечимини ҳам кўриб чиқиш энг мақбул қарор қабул қилиш.

1. Phung TL, Oble DA, Jia W, Benjamin LE, Mihm MC Jr, Nelson JS. Can the wound healing response of human skin be modulated after laser treatment and the effects of exposure extended? Implications on the combined use of the pulsed dye laser and a topical angiogenesis inhibitor for treatment of port wine stain birthmarks. *Lasers Surg Med.* Jan 2015;40(1):1-5. [Medline].

Кейсларни ҳал қилишда ёзма усулда таҳлил қилиш унда баён этилган муаммони янада чуқурроқ англашга ёрдам беради ёхуд ёзма нутқ ҳам Халқаро RWCT дастурида мустақил ижодий фикрлаш қобилиятни ривожлантиришнинг энг самарали усулларида бири бўлиб ҳисобланади. Илмий тадқиқотлар ва амалий кузатишлар педагогика ўқитиш методикаси ва педагогик маҳорат асослари фанлари машғулотида бу каби кейсларни ечиш таълим оловчиларнинг фаоллигини оширибгина қолмасдан балки мустақил фикрлаш қобилиятини ривожлантиради ҳамда уларни бўлажак мустақил педагогик фаолиятга тайёрлашда муҳим аҳамиятга эга бўлади.¹

2.2 Педиатрияда замонавий инновацион таълим технологиялари.

Педагогика фани билимлар соҳаси ва ижтимоий амалиёт соҳаси каби жаҳон ривожланиш умумий тенденциялари ва қонуниятларига биноан ривожланади. Шунинг учун касбий-педагогик таълим чет эл тажрибаларини ўрганиш уни илмий тушуниш илғор ғоялардан миллий таълим амалиётида фойдаланиш айниқса долзарб ҳисобланади. "Кадрлар тайёрлаш соҳасидаги позитив жаҳон тажрибасини ҳисобга олиш узлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлаш тизими барча элементларига тааллуқли ва унинг ривожланиши омилларида бири ҳисобланади". Шу билан бирга миллий ғоялар ва анъаналарда қурилган таълим ҳар доим миллий ривожланиш масалаларига жавоб беришини эсда тутиш керак. Бундай таълимнинг техник ёки ташкилий шакллари турлича бўлиши мумкин баъзан умуман одатдан ташқари тасаввур қилиб бўлмаган 56 кўринишларга эга бўлиши мумкин.

Аммо бизнинг чуқур ишонч ҳосил қилишимизга охир-оқибат одамнинг таълим олиши натижаси фақат ўқув фаолияти шакллари шу жумладан масофавий таълим билан белгиланмайди балки ўқув жараёни қуриладиган таянч психологик - педагогик мазмунга боғлиқ бўлади. Айнан мана шу

мазмунларини излаб топиш миллий менталитетга нисбатан масофали таълим асосларини ишлаб чиқиш бошланғич вазифаси ҳисобланади. Бу "нарс" турли рамзий амалиётлар экранларида акс эттирилиб намоён бўлади. Фикри сезгилари ва ҳаракатларида моддийлашади. Масофали ўқитиш назарияси ва амалиёти бой чет эл ва миллий тажрибалар тадқиқотлар йўналишлари умуман долзарблигини тасдиқлайди.

Янги педагогик ахборот ва телекоммуникатсия технологиялардан фойдаланишга асосланган таълим олиш усулидан бири ҳисобланган масофали таълим моҳиятини тушунишга бизни яқинлаштиради. Таълимнинг синтетик интеграл ва гуманистик шакли ҳисобланувчи масофали ўқитишнинг айнан назарий ва амалий масалалари таълимни ислоҳ қилиш шароитларида миллий таълим тизими олдида турган муаммолар катта қисмини ҳал этиши керак. Чет эл таълим тизимларида масофали ўқитишнинг ташкил топиши ва ривожланиши жараёнини ўрганишда таълим муассаларида масофали ўқитишни амалий ташкил қилиш турли шакллари ва вариантларини ҳамда масофали таълимни дидактик таъминлаш воситаларини таҳлил қилишга эътиборни қаратиш зарур.

Солиштириш методи моҳиятини хитой олими Х. Шу ва Н. Чжоулар тўла очиб берадилар: "Агарда миллат вақт ўқида ўзининг турган жойини тарихий ёки "вертикал" солиштиришлар билан аниқлай олса шунда у миллатлараро ёки "горизонтал" солиштиришлар ёрдамида дунёдаги ўз ўрни тўғрисида яхшироқ тасаввурга эга бўлади. Шу билан бир вақтда "вертикал" солиштириш ишонч уйғотади "горизонтал" эса реалист бўлишга мажбур этади". Масофали таълим - масофада туриб ўқув ахборотларини алмашиш воситаларига асосланувчи махсус ахборот таълим муҳити ёрдамида таълим хизматлари тўпламидан иборат. Масофали таълим ахборот - таълим муҳити фойдаланувчилар таълим олиш эҳтиёжларини қондиришга мўлжалланган маълумотлар узатиш воситалари ахборот ресурслари ўзаро алоқалар протоколлари аппҳарат - дастурли ва ташкилий-методик таъминотлар системали - ташкилий тўпламидан иборат.

Масофали таълим - ўқитувчиларга ўрганилаётган материал асосий хажмини етказиб беришни ўқитиш жараёнида ўқитувчилар ва талабларнинг 57 интерактив ўзаро алоқаларини, талабаларга ўрганилаётган материални мустақил ўзлаштириш бўйича мустақил ишлаш имконини беришни ҳамда ўқиш жараёнида уларнинг олган билимларини ва кўникмаларини баҳолашни таъминловчи ахборот технологиялари тўплами¹. Келтирилган тушунчалардан таққослаш тадқиқотини ўтказишда дунёда масофали ўқитиш таълим муҳити қандай шаклланишига асосий эътиборни қаратиш зарурлиги кўриниб турибди. Шу билан бирга бизни биринчи навбатда таълимнинг мана шу соҳаси ривожланиши тенденциялари қизиқтиради.

